
СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ
JOURNAL OF WORD ART
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

**АЛИШЕР НАВОЙНИНГ "МУҲОКАМАТ УЛ-ЛУГАТАЙН" АСАРИДА
ЛИНГВОПОЭТИКА МАСАЛАЛАРИ**

Бердиев Хусан Холназарович,

филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), СамДУ

e-mail: rustam_berdiyev1996@mail.ru

For citation: Berdiev Khusan. Linguapoetic problems in Alisher Navoi's work "Muhokamat ul-lugatayin". International Journal of Word Art. 2019, vol. 1, issue 10, pp. 64-69



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-1-10>

Келиб тушган сана 10 февраль, 2019

Эълон қилинган сана 31 март, 2019

АННОТАЦИЯ

Алишер Навоий туркий-ўзбек адабиётини бетимсол чўққига кўтарган бадиий, фалсафий-тағлимий, тарихий мавзуларда асарлар ёзиш билан бир қаторда, она тили ривожда алоҳида ўрин тутувчи масала - тил нуфузини ошириш соҳасида ҳам қалам тебратиб, юксак даражада тилшунослик истеъдодини ҳам намойиш этади. У туркий тилнинг бой имкониятлари тадқиқига доир илмий асари "Муҳокамаат ул-лугатайн" ("Икки тил муҳокамаси")ни 1499 йилнинг декабрь ойида ёзиб тугаллайди. Навоий "Муҳокамаат ул-лугатайн"да туркий-ўзбек тилининг бойлиги, чексиз имконияти, қудратини илмий асослаб беради. Асарда туркий-ўзбек ва форс тили товуш тизими, лексик, морфемик-морфологик хусусиятлари ўзаро қиёсланади. Сўзларнинг синонимик, антонимик, омонимик ва кўп маънолик хусусиятлари орқали туркий-ўзбек тилининг имконияти доираси кенглигини, унинг шەъроятда турли-туман маъноларни ифодалашдаги аҳамиятини кўрсатиб беради. Навоий грамматик жиҳатдан ҳам ўзбек тилининг ўзига хос табиатини ёритиш учун кўпгина мисоллар келтирилади ва таҳлил этади. Маънони қисқа ва аниқ ифодалаш имкониятига кўра тилнинг юксак тараққий этганлигини асослайди. Туркий-ўзбек тилининг ривожланган тил сифатидаги мақомини кўрсатиб беришда тилнинг ифода имкониятларига алоҳида тўхталлади. Буни тажнис (жинсдошлик), ийҳом (шаклдош) каби поэтик воситаларни келтириб, изоҳлайди.

Шундай қилиб, ушбу мақолада Алишер Навоийнинг "Муҳокамаат ул-лугатайн" асарида келтирилган лингвистик ва поэтик материаллар асосида лингвопоэтиканинг назарий масалаларига доир мулоҳазалар билдирилади. Асар материаллари таҳлилида лингвистик асос етакчи бўлган поэтик санъатлар ўрганилади. Хусусан, уларнинг фонетик, лексик хусусиятларига доир кузатишлар мисоллар асосида далилланади.

Таянч сўзлар: лингвопоэтика, шаклий-маъновий таркиб, омонимия, синонимия, бадиий санъат, лингвистик асос, тасниф, контекстуаллик.

**ЛИНГВООТИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ В РАБОТЕ АЛИШЕРА НАВОИ
"МУХОКАМАТ УЛЬ-ЛУГАТАЙИН"**

Бердиев Хусан Холназарович,

СамГУ, Кандидат филологических наук (PhD)

Алишер Навои в своих произведениях показал степень своей высокой научности поднимая высокий уровень художественную, философско- образовательную, историческую проблему развития языка.

Он закончил своё научное произведение об исследованиях и богатстве языка в декабре 1399 года. Алишер Навои в своём произведении (Дискуссия двух языков) обосновал всю силу, безграничные возможности, богатство узбекского языка. В произведении были сопоставлены морфемно-морфологические, лексические особенности языка, а также узбекско- тюрские и персидско- таджикские системы звуков. Также была показана широта возможностей узбекского языка синонимичными, антонимичными, омоничными и полесемантическими особенностями слов. Алишер Навои в своём произведении проанализировал много примеров, для освещения свойственной для узбекского языка особенности с грамматической точки зрения, присущей для узбекского языка возможности коротко и ясно выражать смысл текстов и выражений, подчеркнул высокое усовершенствование языка. Он отдельно остановился на возможностях выражения языка, для того чтобы показать мотив узбекского языка как качественно развитого языка. Он изъяснил это такими поэтическими средствами как каламбур и вдохновение.

Таким образом, в этой статье Алишер Навои "Мухокомат ул-лугатайн" приведены примеры и исследования, относящиеся к проблемам лингвопоэтики на основе лингвистических и поэтических материалов. В произведении анализируются и исследуются поэтические искусства. Также освещены фонетические и лексические особенности на их примерах.

Ключевые слова: лингвопоэтика, формально-нравственное содержание, гармония, синонимия, художественное искусство, лингвистические основы, классификация, контекстуальность.

LINGUAPOETIC PROBLEMS IN ALISHER NAVOI'S WORK "MUHOKAMAT UL-LUGATAYIN"

Berdiev Khusan Kholnazarovich,
PhD in philological sciences, SamSU

ABSTRACT

Alisher Navoi in his works raised the artistic, philosophical, educational, and historical problem of language development to a high level.

He completed his work (The Discourse of Two Languages) on the richness of the Uzbek language in December 1499. Alisher Navoi in his work substantiated all the strength, boundless possibilities, wealth of the Uzbek language. The piece compares morphem-morphological, lexical features of the language, as well as Uzbek-Turkish and Persian-Tadjik sound systems. He demonstrated that the breadth of the Uzbek language's possibilities was found in the synonymous, antonymous, homonymous and polysemantic features of the words. Navoi analyzed many examples to highlight the peculiarity of the features of Uzbek from a grammatical point of view. He separately focused on the expressive possibilities of the language in order to show the Uzbek language as a developed language. He explained this via poetic means such as puns.

Thus, in this article Alisher Navoi "Mukohomat ul-lugatayn" gives examples and studies related to the problems of linguistic poetics. In the work poetic arts are analyzed and studied. The work's phonetic and lexical features are also highlighted.

Key words: linguopoetics, shape-moral content, harmony, synonymy, artistic art, linguistic basis, classification, contextuality.

"Муҳокамат ул-луғатайн" асари орқали лингвопоэтиканинг тарихий-назарий асослари ҳақида маълумотга эга бўлибгина қолмай, балки унинг лингвопоэтика тараққиётига таъсир кўрсатганини ҳам кузатиш мумкин. Чунки ҳар қандай лингвистик ҳодиса матн таҳлили, лексик бирликлар асимметрик хусусиятлари тизимининг моҳия-тини, бадиий тафаккурнинг турли босқичларидаги маъно хусусиятларини, қўлланиш доирасини, ҳажми ва чегарасини белгилашда кўплаб мунозарали ҳолатларни тадқиқ этиш имконини беради. "Муҳокамат ул-луғатайн" асаридаги материаллар эса XV-XVI аср туркий-ўзбек адабий тили луғавий бирликларининг семантик имкониятларини таҳлил этишда, асарнинг илмий-амалий қийматини белгилашда аҳамият касб этади.

Маълумки, жаҳон ва рус филология илмида матннинг лингвопоэтик ҳамда систем-структур тадқиқи борасида Л.П.Якубинский, Ю.Н.Тынянов, Р.О.Якобсон, Ж.Мукаржовский, Б.О.Эйхенбаум, Л.В.Щерба, Г.О.Винокур, В.В.Виноградов, В.М.Жирмунский, Б.В.Томашевский, М.Б.Храпченко, Н.С.Поспелов, В.П.Григорьев, И.И.Ковтунова, А.Греймас, Ж.Женетт, М.Рифатер, Ж.Иве, Е.Косериу, А.А.Леонтьев, Ю.М.Лотман, А.В.Чичерин, М.Бахтин, Ж.Мунен, Р.Познер, М.Л.Гаспаров, Е.Фарино, Н.Н.Иванова, А.Д.Григорьева, К.Н.Велиев, Л.В.Зубовалар самарали фаолият олиб борганлар. Ўзбек филологиясида поэтика тадқиқи 3 йўналишда олиб борилди: 1) адабиёт-шунослик, 2) услубшунослик, в) лингвопоэтика (ЛП). Шешрий санъатлар ва уларнинг бадиий тафаккур тараққиётида тутган ўрни масаласида А.Рустамов, Ё.Исҳоқов, М.Шайхзода, Р.Орзибеков, А.Ҳожиаҳмедов В.Раҳмонов ва бошқа олимларнинг тадқиқотлари майдонга келди [3]. Шунингдек, И.К.Мирзаев, М.Халилов, М.Йўлдошев, Н.Маҳмудов, Г.Рихсиева каби олимлар лингвопоэтика масалалари юзасидан илмий кузатишлар олиб бордилар.

"Муҳокамат ул-луғатайн"да тадқиқоти-мизга алоқадор фикрларни баён этар экан, Алишер Навоий, дастлаб, бадиият илмида мураккаб санъат ҳисобланмиш тажнис ва

ийҳомнинг юзага келиши масаласига муурожаат этади. Омонимия, синонимия, антонимия каби ҳодисаларнинг ЛП хусусиятлари бадиий нуқ эстетикасини таъминловчи восита ва бадииятнинг энг биринчи унсурни эканлиги "Муҳокамат ул луғатайн"да алоҳида қайд этилади. Бунда, асосан, шаклий ва мазмуний жиҳатдан, ҳатто, тил ички имкониятларида ҳам ҳеч қандай ўзгаришга учрамаган лингвистик бирликлар - туб лексемалар (от, ит, кўк ва б.) танлаб олинади.

Туркий тилда омонимлар гоёта кўплигини ва бу шеърятда сўз ўйини учун қулай имконият яратишини таъкидлайди. Масалан, от сўзи исм, "минадиган жонзот", "ирғит ёки тепкини бос (милтиқни от)" маъноларини; шунингдек, бир хил шаклдаги тўрт ва бешта сўзлар мавжудлигини ҳам кўрсатади. Масалан, "бор лафзика, бир маъниси ёд қилмоққа амрдур ва бири сулук куй отидур ва ишқ масти ва мажнуни ва бемори муқобаласида согин деса, ҳар бирига итлоқ қилса бўлур". Бундан ташқари, туз, кўк сўзлари ҳам беш маънони билдиришини баён қилади.

Алишер Навоий кўп маъноли (полисемантик) сўзни омоним (тажнис)дан фарқлайди. Бир сўзнинг ичидаги турли маъно нозикликлари ҳақида алоҳида фикр юритади. Тажнис - бу жинсдош, яъни моддий (ифода) томони бир хил бўлиб қолган турли сўзлар эканлигини яхши англайди [2, 90].

Мазкур бадиий санъатлар нуқий-лингвистик ҳодисага асосланишини шундай шарҳлайди: "Яна шеърда барча таъ аҳли қошида равшан ва мажмуъ, фусаҳо олдида мубарҳандурки, тажнис ва ийҳом бағоят куллийдур. Ва бу фарҳунда иборат ва ҳужаста алфоз ва ишоратда форсийдин кўпрак тажнисомиз лафз ва ийҳомангиз нуқта борки, назмга мужиби зебу зийнат ва боиси такаллуфу санъатдур. Масалан: от лафзика, бир маъниси аламдур, яна бир маъниси маркабдур ва яна бир маъниси амрдурки, тошни ё ўқни от, деб буюрғайлар. Бу тажнисда мундоқ дейилибдурким,

б а й т:

*Чун парио хурдур отинг, бегим,
Суръат ичра дев эрур отинг, бегим,
Ҳар ҳадангизим, улус андин қочар,
Нотавон жоним сари отинг, бегим.*

Ва бу икки байтки, тажниси томдур, ҳам турк шуароси хоссасидурки, сортда йўқтур ва муни туюғ дерлар. Ва мунунг таърифин "Мезон ул-авзон" отлиғ арузки битилибдур, анда қилилибдур. "Мезон ул-авзон" да шундай дейилади: "Бириси "туюғ" дурким, икки байтқа муқаррардур ва саъй қилурларким, тажнис айтилгай ва ул вазн рамали мусаддаси мақсурдур" [1, 109].

Лингвопоэтикага оид назарий кузатишларнинг тарихий асослари ва тарихий-илмий асарлардаги сўзларнинг контекстдаги маъноларига алоҳида эътибор қаратиш мазкур соҳага оид қарашлар кўламани белгилашда муҳим ўрин тутати.

Асарда қўлланган сўзларнинг айримлари ҳозирги ўзбек адабий тилида фаол равишда ишлатилади. Шу билан бирга, ушбу сўзларнинг асарда англаган маънолари ҳозирги ўзбек адабий тилида билдирган маъноларидан фарқ қилади.

Алишер Навоийнинг "Муҳокамат ул-луғатайн" асаридаги ЛП талқинлар туркий-ўзбек шеърини бадииятининг лингвистик асосларини араб ва форс тилидан ўзлашган сўзлар эмас, соф туркийча тил бирликлари фонетик, лексик семантик имкониятларига алоқадорлигидан далолат беради.

Шу аснода омонимларнинг сўз туркумлари доирасидаги ифодасига тўхталади: "Яна ит лафзи ва анда доғи бу навъ уч маъни бор, андоққи,

б а й т:

*Эй рақиб, ўзни анга тутсанг ҳам ит,
Бизга раҳм айлаб аниг кўйидин ит. (ўт)
Гарчи бор дўзахча ишқинг шубласи,
Бизни ўз илгинг била ул сори ит.*

(Итқитмоқ, юбормоқ, йўлламоқ)
Ва туш лафзида ҳам бу навъ уч маъни бор. Ва яна ён лафзида ва ёқ лафзида ҳам бу ҳолдур ва бу навъ лафзики, анда уч маъни бўлмай, ҳад ва ҳасрдин кўпрак топилур.

Ва хили лафз ҳам топилурки, тўрт маъниси бўлмай, андоққи, бор лафзики, бир маъниси мавжудлугдур ва бир маъниси амрдур - борувга ва бир маъниси юкдур ва бир маъниси самардур.

Ва андоқ лафз ҳам топилурки, беш маъниси бўлмай: соғин лафзидекки, бир маъниси ёд қилмоққа амрдур ва бири сутлук қўй отидур ва ишқ масти ва мажнуни ва бемори муқобаласида соғин деса, ҳар

бирига итлоқ қилса бўлур.

Яна андоққи, туз лафзики неча маъни ирода қилса бўлур. Бири тузқи, ўқ ё найзадек нимани дерлар. Яна туз - ҳамвор даштни дерлар, яна туз - рост кишини дерлар, яна туз - созни тузмакка амр қилмоққи, яна туз - икки киши орасида мувофақат солмоққи ва яна туз - бир мажлис асбобини ҳам деса бўлур.

Ва кўк лафзин ҳам неча маъни била истеъмол қилурлар. Бири кўк - осмонни дерлар. Яна кўк оҳангдур. Яна кўк теграда кўкламакдур. Яна кўк қадогни ҳам дерлар. Яна кўк сабза ва ўлангни дағи дерлар.

Хулоса қилади: "Бу навъ алфоз ҳамки, уч маъни ва тўрт маъни ва ортуғроқким, ирода қилса бўлмай, кўп борки, форсий алфозда андоқ йўқтур".

Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн"да келтирилган юзта феълнинг баъзилари умумий, бирлаштирувчи семемаси билан бир парадигмани ҳосил қилса ҳам, лекин парадигма аъзоларининг ҳар қайсиси муайян фарқловчи семемага ҳам эга эканлигини кўрсатади. Масалан, инграмоқ, синграмоқ, ўкурмак, йиғламоқ сўзлари "йиғламоқ" бирлаштирувчи семемаси билан бир парадигмага мансуб бўлса ҳам, лекин уларнинг ҳар қайсиси йиғлашнинг хилма-хил кўринишларини ифодалайди. Бир-биридан йиғлаш даражаси билан фарқланади. Шоир фикрини исботламоқ учун бу сўзлар иштирок этган бадиий асарлардан парчалар келтиради. Масалан,

Ул ойки, кула-кула йиғлатти мени,

Йиғлатти мени демайки, сиқатти мени.

Бу ўринда шоир ружуъ санъатини қўллаш билан ҳам маъно даражасини ифодалашга ҳаракат қилади.

Ўкурмак "кучли овоз билан ҳаддан ортиқ ҳаяжонли" йиғи эканлиги билан бошқалардан фарқ қилишини кўрсатади:

Ишим тоғ узра ҳар ён ашк селобини сурмақдир,

Фироқ ошубидин ҳар дам булут янглиғ ўкурмақдир.

Муболагани ифодалашда ташхис ва ташбиҳ (булут янглиғ ўкурмак) бадиий санъатларига мурожаат этади.

Бундан ташқари, "май ичиш" семемаси билан бирлашган ичмоқ, сипқормоқ, тамшимоқ лексемаларининг фарқловчи

семемаларини ҳам очиб беради ва ҳар қайсисини байт ичида келтиради. Форс тилида буларнинг ҳаммаси битта нўшидан сўзи орқали ифодаланганини айтади.

Албатта, муболага бу ўринда ўз маъносидан ташқари истилоҳий мазмунга ҳам эга. Чунки у услубий ҳодиса сифатида сўзларнинг маъно нозикликлари ва семантик силжишлар натижасида ҳосил бўладиган услубий воситани ҳам англатади. Проф.А.Нурмонов таъкидлаганидек, "Алишер Навоий далил учун келтирилган лексемаларнинг ҳар қайсисини шеър ичида ишлатади ва бу сўзларнинг матн таркибидаги бадий-эстетик ролини кўрсатиб беради [2, 29]. ...Шоир синонимик уя таркибидаги сўзларнинг ўзига хос фарқловчи маъноларини топар экан, лексеманинг семантик тузилишининг узвий таҳлиliga яқин бўлган усулдан фойдаланади" [2,90].

Ўзбек тилшунослигида ушбу соҳага оид сўзларнинг тарихий этимологияси, мавзуй-семантик таснифи, қўлланиш доираси, уларнинг лугат таркибида рўй берган ўзгаришларни бугунги кун нуқтаи назаридан қиёсий ўрганиш масаласи анча долзарб бўлиб турганлигини қайд этиб ўтиш лозим. Зеро, сўзларнинг генетик манбаларга кўра таҳлили ўзбек тили лугат таркиби, грамматик қурилишининг тарихий шаклланиш йўлларини илмий асослашга хизмат қилиши баробарида лингвопо этиканинг асосларини белгилашда ҳам муҳим роль ўйнайди.

ЛПга оид қарашларини баён этишда Алишер Навоий қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратгани кузатилади:

- омонимларнинг бадиият яратишдаги ўрни;

- тажнис ва ийҳом санъатлари лингвистик асосга таяниши;

- туюқ жанрининг асосий ва энг муҳим белгиларидан бири омонимия ҳодисаси билан алоқадорлиги;

- омонимларнинг асосий белгиси сўз туркумлари таснифи бўйича кузатишларда намоён бўлиши;

- сўз туркумларига мансублиги жиҳатидан омонимларнинг турларга бўлиниши ва уларнинг бадиий санъатлар ҳамда қофия ҳосил қилишдаги алоҳида ўрни;

- туркий шеърятда қофиянинг лингвистик асоси ҳамда товуш ва фонема масаласи.

Лингвистиканинг поэтика билан алоқаси доимий ва узлуксиз эканлигини, тил ва тафаккурнинг матний ифодаси диалектик ҳодиса сифатида намоён бўлишини Алишер Навоий тажнис, ийҳом, қофия, муболага сингари поэтик санъатлар ва туюқ жанри мисолида кўрсатиб ўтади. Тажнис, ийҳом (омоним), муболага (синоним) кабилар лексик, қофия фонетик ҳодисаларга асосланишини илмий тарзда шарҳлаб беради. Чунончи, у қофиядошликнинг туркий шеърятга хос бўлган имкониятларини баён этишда қуйидаги сўзлар оҳангдошлигини мисол келтиради: аро-саро-даро; сара-дара; ядо-садо-бода (?); эрур-хур-дур-ғурур-зарур; оғир-боғир; содир-қодир; таъхир-тағйир.

Қўринадики, "Муҳокамат ул-луғатайн"да келтирилган ушбу оҳангдош сўзларнинг анча қисми арабча ёки форсча. Навоий назарда тутган масала бошқа. Яъни ушбу сўзлар охириги товушларининг эски ўзбек ёзувидаги ифодаси билан боғлиқдир.

ДАБИЁТЛАР:

1. Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. -Т.: Фан, МАТ, 20 томлик. 16-ж. 2000. (Alisher Navoiy. Muhokamat ul-lug'atayn. - T.: Fan, MAT, 20 tomlik. 16-j. 2000.)
2. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. -Т.: Ўзбекистон, 2002. (Nurmonov A. O'zbek tilshunosligi tarixi. -T.: O'zbekiston, 2002.)
3. Ҳожиаҳмедов А. Шеърый санъатлар ва мумтоз қофия. - Т.: Шарқ, 1998. (Hojiahmedov A. She'riy san'atlar va mumtoz qofiya. - T.: Sharq, 1998.)